

(1695-1747)

(1711-1747)

Убайдуллахоннинг иниси. Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. У ҳеч қандай реал ҳокимиятга эга эмас, кундан-кунга мамлакат ҳаётида нуфузи кучайиб бораётган амирлар ва зодагонлар қўлида бир „кўгирчок“ ҳукмдор эди, холос. Унинг даврида кейинчалик мангитлар давлатининг ташкил топишига сабабчи бўлган мангитлар қабиласидан келиб чиққан Муҳаммад Ҳакимбий катта нуфузга эга бўлиб олган эди. У вақтини қўнгулхушлик ишларига сарфлаб, майхўрликка берилиб кетди. Унинг етти фарзанди бор эди. Маст чоғида уларни ўлимга маҳкум этди. Хали гўдак бўлган Абдулмўмингина тахт остига яшириниб, омон қолган. Хон деярли давлат ишларини назорат қилмай қўйди. Шу тариқа, Бухорода хон ҳокимияти барҳам топди. Олий ҳокимият амалда олий қўшбеги бўлиб олган Жовшон қалмоқ қўлига ўтди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви феудал тарқокликни янада кучайтирди. Самарқанд, Қарши, Балх, Фарғона, Хива, Бадахшон амалда мустақил бўлиб олдилар. Бу аҳвол ташки дусжманларнинг Мовароуннахрга бостириб киришга қулай имконият яратди. Абулфайзхон даврида ўзаро низолар кучайган, мамлакат чуқур иктисодий-сиёсий таназзулга юз тутган. Бу даврга келиб хоннинг аҳволи шу даражага етиб бордики, унинг фармонлари саройдан ташқарига чиқмаган. Нодиршоҳ қўшинларининг Мовароуннахрга қилган юришлари натижасида Абулфайзхон тахтдан ағдарилаган. Муҳаммад Раҳимбий буйруғи билан 1747-йилда Абулфайзхон Мир Араб мадрасаси хужраларидан бирида ўлдирилади. 1924-йилда Абдурауф Фитрат унга бағишлаб “Абулфайзхон” драммасини яратган.